
ДАНҒАРА ТУМАНИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ УМУМХАЛҚ САЙЛ, ТАНТАНА ВА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ.

Туман истирохат боғида ташкил этилган Наврўз умумхалқ байрам сайида халқ амалий санъати, касаначилик, хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари ташкил этилди.

Наврўз умумхалқ байрам сайида тумандаги корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари томонидан азалий урф-одатларимизга мувофиқ безатилган миллий таомлар дастурхони байрамни янада кўтаринки руҳда ўтишига ҳисса қўшди.

Халқ сайида нурунийлар қўлларини дуога очиб, янги меҳнат мавсумини бошлаш арафасида турган миришкор деҳқону фермерларнинг жорий йилги деҳқончилик ҳосиллари мўл бўлишини тилаб дуолар қилдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-03-19 09:08:56